

## Сийрат 174-дарс. Дажжолдан сақланиш йўли



20:00 / 25.02.2022 5080

679. Абу Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ким кечқурун Бақара сурасининг охиридаги икки оятни ўқиса, кифоя қилади»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

680. Убай ибн Каъб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: **«Эй Абу Мунзир, Аллоҳнинг Китобидаги энг улуғ оят қайси эканини биласанми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчи», дедим. **«Эй Абу Мунзир, Аллоҳнинг китобидаги энг улуғ оят қайси эканини биласанми?»** дедилар. «Аллоҳу лаа илааҳа иллаа ҳуу ал-Ҳаййул Қаййум», дедим. Шунда у зот кўксимга уриб: **«Аллоҳга қасам, сенга илм муборак бўлсин, эй Абу Мунзир»**,

дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

681. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Каҳф сурасининг аввалидан ўн оятини ёдласа, дажжолдан сақланади»**, дедилар».

Бошқа ривоятда: **«Каҳфнинг охиридан»**, дейилган.

*Муслим ривоят қилган.*

682. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳнинг китобида бир сура бор. Унинг оятлари ўттизта. У ўз соҳибига то уни мағфират қилингунча шафоат қилади. «Таборакаллази биядиҳил мулку»**, дедилар».

*Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**